## Бу йилги сайлов қандай тартибда ўтказилади?

**Сайлов 2024 йил 27 октябрда “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида ўтказилади.** 2-с.

## “Хитойдаги тажрибани маҳалламда қўлладим”

Ишимнинг самарасини ишсиз фуқаро ишли бўлганида, маҳалладошим тадбиркорга айланганида кўраман. 3-с.

## Маҳаллалар сони, ҳудуди ва номи ўзгарадими?

Уюшманинг олти ойлик фаолиятига бағишланган йиғилишда мазкур масала кун тартибида бўлди. 2-с.


# Mahalla

№42 (2180) | 2024 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ, ШАНБА

8-с.

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ


## БУГУНГИ СОНДА:


### “Ёшлар дафтари”, бу — катта имконият, аммо текин даромад манбаи эмас

“Ёшлар дафтари” ҳаётга татбиқ этилиши билан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар, ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар учун янги имконият эшиклари очилди. Аммо ана шу имкониятни давлат мажбурияти, текин даромад манбаи, деб ҳисоблайдиган тоифалар йўқ эмас.

4-с.

### “Кунлик назорат ўрнатилгач, солиқ тушуми ортяпти”

Маҳаллалар аҳолисининг айримлари 2-3 нафар бўлиб бирлашиб, 20-30 бош қорамол боқишяпти. Бироқ нотурар ер-мулк солиғи ошгани ҳисобига бу йўналиш ҳам кенг ривожланмаяпти. Бирданбир йўли қайта ишлаш корхоналари ташкил этишдир. Шунда ишсизлар камайиб, солиқ тўловчилар сони ортарди.

5-с.

### “Нотинч оилаларни маҳаллада яраштирдик”

Маҳалла аҳолисининг аксарияти ўзига тўқ оилалардан иборат. Шу боис хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар кам. Улар билан мунтазам ишлашимиз натижасида 15 нафари қолди. Қайтганларини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

6-с.

### Улов бўлса, узоғимиз яқин бўларди...

Айни вақтда бир нафар ижтимоий ходимга икки-учта маҳалла бириктирилган. Иш кўлами ҳам шунга яраша. Ҳар бир ижтимоий ходимга имтиёзли нархлар ва шартлар асосида ўз ҳисобидан скутер харид қилиш имкони берилса, иш самарадорлиги янада ортган бўларди. Айтайлик, бу техник воситанинг нархи 11 миллион сўм бўлса, 3 йил давомида 300 минг сўмдан тўлаш шартини жорий этиш мумкин.

7-с.


Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

# Маҳалла хорижликда ҳам ҳайрат уйғотяпти

**Ўзбекистонда яқин йилларда ўзига хос дизайнга эга бўлган смарт-уйлар, уй-жой қурилиши учун зарур барча жиҳозларни бир жойда ишлаб чиқарувчи замонавий корхона ҳамда мавжуд табиий газ ўрнини босувчи янги энергия тури пайдо бўлиши мумкин...**

**Шеньчжень Чжонгйи — Хитойнинг энг машҳур корпорацияларидан бири.** Уй-жой учун керакли барча жиҳозларни ишлаб чиқаради. Маҳсулотларининг маҳаллийлаштириш даражаси — 100 фоиз. Корхона Германия ва Италия технологиялари, стандартлари асосида иш юритади. Унинг йиллик айланмаси 5 миллиард долларга тенг.

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев мазкур корпорация вакилларини қабул қилди.** Инвесторлар Ўзбекистон орқали Марказий Осиё бозорларига чиқиш истагида эканини билдирди. Меҳмонларга мамлакатимизда тадбиркорлар, инвесторларга яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

**Мулоқотда инвесторлар учта масалада ўз таклифларини билдирди:**

***биринчиси*** *— Ўзбекистонда янгича дизайндаги смарт-уйлар қуриш лойиҳаси. Мазкур корпорация олти ой аввал “Космик уй” лойиҳасини бошлаган. У 100 фоиз қуёш энергияси асосига лойиҳалаштирилган. Энг асосийси, ушбу смарт-уйларнинг ўртача қиймати 40 минг доллар атрофида, яъни жуда ҳамёнбоп;*

***иккинчиси*** *— 100 фоиз Хитой капитали асосида мамлакатимизда йирик завод қуриш лойиҳаси. Мазкур заводда уй-жой қурилиши учун керак бўлган барча жиҳозлар, мебель ва ошхона буюмлари тайёрланади;*

***учинчиси*** *— энергия манбаалари билан боғлиқ бўлиб, унинг доирасида анъанавий газ ўрнини босувчи янги биоэнергия — “оловли газ” ишлаб чиқарилади.*



Қаҳрамон Қуронбоев ҳар бир таклиф қизиқарли ва ўзига хос эканини таъкидлаб, лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган саноат зоналаридаги шароитлар билан таништирди. Бу борадаги имкониятларга меҳмонлар катта қизиқиш билдирди.

ҲОЛАТ

**“Маҳалла сервис компанияси”... Бу жумла ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва маҳаллалар қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, бу тузилма фаолияти йўлга қўйилди.**




**Бу ҳақда Бўстонлиқ туманида маҳалла сервис компаниялари раҳбарлари ва Уюшманинг ҳудудий бошқармалари бош ҳисобчиларининг билим ва малакасини ошириш бўйича ташкил этилган ўқув-семинарида батафсил маълумот берилди.**

БУНЁДКОРЛИК

# “Нурафшон” — Ўзбекистондаги биринчи экомаҳалла



**Президент Шавкат Мирзиёев 12-13 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида 65 минг аҳоли учун мўлжалланган “Янги Ўзбекистон” тураржой массивига ташриф буюриб, бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, одамлар билан мулоқот қилди. Очиғи, бундай учрашувни кўпчилик кутмаганди. Давлат раҳбарининг оддий одамлар орасида бўлиши, улар билан самимий суҳбатлашиши, муаммолари, орзу-интилишлари билан қизиқиши бизни беҳад қувонтирди.**

Давоми 8-саҳифада.

СЕМИНАР

# Беҳзод МУҲАММАДКАРИМОВ: «Шу касбни танлашимга маҳаллам турткиy бўлган»



**Ўзбек оилаларида отанинг тутган ўрни беқиёс. Битта нигоҳининг ўзи билан болалар нима демоқчи эканини тушунишган. Ҳеч қачон сўзи икки қилинмаган. Дуоси олтинлардан афзал кўрилган. Бир сўз билан айтганда, хонадоннинг устуни, ҳукмдори — ота!**

8-саҳифада.



Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 26 июлдан қисқа муддатли МЕҲНАТ ТАЪТИЛИГА чиқди.



Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



"Зангиота-2" шифохонаси негизида Тошкент шаҳар БОЛАЛАР КЎП ТАРМОҚЛИ ШИФОХОНАСИ ташкил этилади.



СЕМИНАР

# Ўзбекистонда маҳалла сервис компаниялари қандай фаолият кўрсатади?





Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Хўш, унга қандай эҳтиёж бор эди?** Айни пайтда юртимизда 9 452 та маҳалла мавжуд бўлса, шундан 2 995 таси кўп қаватли уйлардан иборат. Уларга 821 та бошқарув сервис компанияси тозалаш, ободонлаштириш, коммуникация тармоқлари созлигини таъминлаш каби хизматларни кўрсатади. Бу тизим шаҳарларда ўзини оқлаяпти. Худди шундай, ҳовли уйлар жойлашган 6,4 мингдан зиёд маҳаллада бундай тадбирлар, асосан, ҳашар йўли билан амалга оширилади, уларга алоҳида хизмат кўрсатувчи ташкилот мавжуд эмас. Ана шу нуқтада — маҳаллалар ободлигини таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни тартибли ва тизимли йўлга қўйиш мақсадида шаҳардаги каби сервис компанияларига эҳтиёж туғилди. Шу боис ҳар бир туман (шаҳар) кесимида 1 тадан, жами 208 та маҳаллада, эксперимент тариқасида, хусусий сектор иштирокида "Маҳалла сервис компанияси" ташкил этилди.

**Семинарда бундай компанияларни ташкил этиш тартиби тушунтирилди.** Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олиниши, уларга маҳалла биноси ҳудудида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида хоналар ажратилиши, 11 турдаги зарур техник воситалар бепул фойдаланишга берилиши айтиб ўтилди. Компанияга устувор равишда маҳаллада истиқомат қилувчи, вақтинча ишсиз, мавсумий ишларга чиқадиган фуқаролар жалб қилинади.

**Мулоқотларда сервис компанияларига бериладиган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.** Хусусан, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир маҳаллага ойига 20 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Сервис компанияси маҳаллани обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш, шунингдек, аҳолига ижтимоий аҳамиятдаги пуллик хизматларни кўрсатиш доирасида даромад, фойда, мол-мулк, ер солиқлари ҳамда ижтимоий солиқ тўловларини тўлашдан озод этилади.

**Семинарда намуна сифатида Боғдод туманидаги "Юксалиш" маҳалласида очилган сервис компанияси иш фаолияти ўрганилди.** Компания тумандаги 5 та маҳаллага хизмат кўрсатади. 24 соатлик иш йўлга қўйилган. 22 нафар ишчи, ўнга яқин юк ташиш ва махсус транспортлар, таъмирлаш анжомлари эл хизматида. Тўловларни ундиришда "Менинг уйим" электрон дастуридан фойдаланилади.

**Хабарингиз бор, шу ой бошида Ўзбекистон делегацияси Хитойда бўлиб, мамлакатдаги сервис компаниялари фаолияти билан танишганди.** Семинарда айни йўналишда Хитой тажрибаси ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Чин юртида бундай компаниялар "ягона дарча", банк хизматлари, бандлик электрон платформаси, коммунал хизмат, ободонлаштириш, болалар учун энагаликдан тортиб, хонадон тозалашгача бўлган барча хизматларни кўрсатиши қайд этиб ўтилди.

**Семинар доирасида ҳудудлардаги сервис компаниялари раҳбарлари ўзаро тажриба алмашди,** соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Масъуллар бу борада ишлаб чиқилаётган қонунчилик ҳужжатлари моҳияти билан таништирди. Машғулотлар интерактив, қизиқарли лойиҳаларга бой тарзда ўтказиляпти.

Умуман олганда, ҳар бир йиғинда сервис компаниясининг иш бошлаши маҳаллаларнинг муаммоси шу ернинг ўзида бартараф этилиб, кўчаларга файз кириши, аҳолида яшаш ва озодалик маданияти шаклланишига хизмат қилади. Маҳалла ҳудудида яшовчи усталар, дурадгор ва бошқа касб эгаларининг компанияга жалб қилиниши натижасида бандлиги таъминланади. Қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда йиллар давомида ечилмай келаётган муаммоларни ҳал қилишнинг самарали тизими яратилади.

ҲОЛАТ

# Маҳаллалар сони, ҳудуди ва номи ўзгарадими?

**Бугун мамлакатимиздаги 9 452 та маҳалланинг сони жорий йил якунига қадар ортиши ёки камайиши мумкин. Боиси "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, айрим маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чоралари кўрилиши зарур.**

Айтиш керакки, бугунги кунда мавжуд маҳаллаларнинг юздан ортиғида 8 минг ва ундан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қолаверса, хонадонлар сони 1 500 дан ортиқ бўлган икки юздан зиёд маҳалла мавжуд. Бу ўз навбатида ушбу ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга салбий таъсир кўрсатади. Зеро, мавжуд етти нафар маҳалла ходимининг шунча аҳоли вакилларини бирдек қамраб олиши, барчасининг муаммоси билан шуғулланиши мушкул.

**Яна бир жиҳат:** айрим ҳудудларда маҳалланинг у четидан бу четигача бўлган масофа **100 километрдан ортиқроқни** ташкил этади. Бу ҳолатда бугунги кун талаби саналган "маҳаллабай", "хонадонбай", "оилабай" ишларни ташкил этишда қийинчиликлар туғилиши табиий. Шу боис бундай маҳаллаларни аҳоли розилиги асосида икки қисмга бўлиш ёки ихчамлаштириш мақсадга мувофиқ.

***Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг олти ойлик фаолиятига бағишланган йиғилишда мазкур масала кун тартибида бўлди.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 майдаги тегишли қарори билан "Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қарор ижроси бўйича Уюшмада йиғилиш ўтказилиб, **тегишли баён имзоланган** ва ижрога қаратилган. Унда ҳудудий бошқармалар Кадастр агентлиги билан биргаликда мавжуд **маҳаллаларни хатловдан ўтказиб,** уларнинг аниқ чегараларини белгилаш вазифаси қайд этилган. Бироқ айни йўналишдаги ишлар барча ҳудудларда ҳам якунига етказилмаган.

Шу билан бирга, ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилгани, бошқарувда ўзини оқлаши ўрганилиши ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни **бирлаштириш ва ихчамлаштириш** вазифаси белгиланган. Бу борада ўтган олти ой давомида 122 та маҳаллани янги ташкил этиш, шунингдек, 53 тасини бирлаштириш бўйича таклиф киритилган.

> **МАЪЛУМОТ УЧУН,** янги тартибга кўра, маҳалла ҳудудларнинг тарихий хусусиятлари, қоидага кўра, камида 400 та хонадон мавжуд аҳоли пунктларининг географик жойлашишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

**Яна бир ҳолатга эътибор қаратмоқ керак,** маҳаллаларни бирлаштириш ёки ихчамлаштириш жараёнида битта тумандаги бир маҳалла номи иккинчисига берилмаслиги керак. Яъни **бир туманда ўхшаш номдаги икки маҳалла бўлиши мумкин эмас.** Афсуски, бундай ҳолатлар ҳануз учраб турибди. Мисол учун, Қўнғирот туманида "Қўнғирот", Тўрткўл туманида "Ўзбекистон", Денов туманида "Гулистон", Шўрчи туманида "Бахштепа", Олтинкўл туманида "Иттифоқ" маҳаллалари номлари туманда иккитадан учрайди.

> **МАЪЛУМОТ УЧУН,** маҳаллага бериладиган ном маҳаллий аҳолининг фикрини эътиборга олиши, қоидага кўра, учтадан ортиқ бўлмаган сўздан иборат бўлиши керак.

Бундан ташқари, рақам қўшиб ўқиладиган маҳалла номлари ҳам борки, уларни ўзгартириш, яъни рақамсиз ном билан аташ белгиланган. Ваҳоланки, **рақам қўшиб ўқиладиган** маҳаллалар номи ҳар бир ҳудудда топилади. Масалан, Шеробод туманида "Гуржак-1", "Гуржак-2", "Ҳўжақия-1", "Ҳўжақия-2", Қуйи Чирчиқ туманида "Дўстлик-1" маҳаллаларида шундай ҳолат учрайди.

***Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллаларни хатловдан ўтказиб, аҳоли сони кўп бўлган ҳудудларни бўлиш, янги ташкил этилаётган мавзеларда маҳаллалар ташкил этиш, йиғинларнинг номларини қайта кўриб чиқишга эҳтиёж бор. Уюшманинг олти ойлик фаолиятига бағишланган йиғилишда бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Бу орқали, биринчидан, фуқаролар йиғинларининг иш фаолияти осонлашади, самарадорлик ортади. Иккинчидан, ҳудуд аҳлини қийнаётган масалалар тўлиқ қамраб олинади ва тезроқ ҳал этиш чоралари кўрилади. Учинчидан, маҳаллаларга бир хил номларнинг берилиши ва бу борадаги тушунмовчиликларнинг олди олинади.***

"САЙЛОВ — 2024"

# Бу йилги сайлов қандай тартибда ўтказилади?

## Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилиб, унинг якунлари бўйича брифинг ташкил этилди

*Сайлов ҳақида сўз кетса, кўп ҳолларда сиёсий партиялар, депутатлар айнан шу даврда фаоллашиб, сўнгра уларнинг ўрни у қадар сезилмаслиги, айрим ҳолларда одамлар ҳатто ўзлари сайлаган депутатни танимаслиги ҳақида фикр билдирилади. Тўғри, авваллари шундай бўлгандир, бироқ бу гал эмас: Марказий сайлов комиссияси янги тартиблар ҳақида маълумот берди.*




Айтиш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари сайлови **2024 йил 27 октябрда "Менинг танловим — обод Ватаним"** шиори остида ўтказилади. Сайлов кампаниясига 26 июлдан старт берилди. Мазкур сайловларнинг ўзига хослиги бир қатор жиҳатларда намоён бўлади.

**Биринчидан,** Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилади. Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодларга овоз бериши йўли билан, қолган 75 нафари пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланишади.

**Иккинчидан,** барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилди. Эндиликда сайлов тартиботларидаги бюрократия, ортиқча вақт сарфи ва ҳужжатлар ҳаракати қисқартирилди.

**Учинчидан,** сиёсий партиялар депутатликка номзодларни кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди. Бу ҳолатда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

**Тўртинчидан,** депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши зарур. Унга кўра, номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган тақдирда, депутат бўлиб сайланиши мумкин ва шу орқали такрорий овоз беришни ташкил этиш талаб этилмайди.

**Бешинчидан,** сайловда Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати, Сенатнинг 56 нафар аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 65 нафар депутати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, 208 та туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари сайланади. Шунга кўра, сайловда 30 мингга яқин номзод фаол иштирок этиши кутилмоқда.

**Олтинчидан,** "E-saylov" ахборот тизими ишлаб чиқилди. Унда фуқаролар учун сайловга оид ахборотларни олишда бир қатор қулайликлар жорий этилган. Хусусан, ахборот тизими сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, интерактив хариталарда номзодлар ва уларнинг таржимаи ҳоли билан танишиш имконини беради.

ЖАРАЁН

# Жазирама иссиқда, қиш-қировли кунларда ҳам сув бўлмас эди...



**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳлари жойларда ўрганишлар олиб бормоқда.**

Шеробод туманидаги "Пошхурт" ва "Қорабоғ" маҳаллалари аҳолисини анчадан буён тоза ичимлик сув муаммоси қийнаб келарди. Айниқса, ёзнинг иссиқ жазирамаси, қишнинг қорли-қировли кунларида сув ташиб ичиш мушкул юмушга айланарди. Деҳқончилик, томорқачилик ҳақида-ку, гап-сўз бўлиши мумкин эмас...

Республика ишчи гуруҳи аъзолари туман маҳаллаларини ўрганиш жараёнида мазкур муаммога дуч келди. Аҳоли вакиллари ўзларини қийнаб келаётган масалада мурожаат қилишди.

Ҳудуддаги шароит, мавжуд ҳолат атрофлича ўрганилгач, масалага ечим топилди. Бу — ерости сувлари яқин бўлгани учун артизиан қудуқлар қазиш орқали томорқани сув билан таъминлаш мумкин, тоза ичимлик сув қувур орқали тортиб келинади. Натижа кўп куттирмади: ҳозир маҳаллаларда ишлар бошланган, дастлабки томорқаларга сув чиқди...



Жараёнда маҳаллалар ҳудудида жойлашган қабристонларни ободонлаштириш, уларга олиб борадиган йўлларини шағаллаш ишлари ҳам бажариляпти. Қолаверса, "маҳалла еттилиги" фаолияти, бандлик, миграция масалалари таҳлил қилиниб, услубий ва амалий кўмак кўрсатиляпти.

Республика ишчи гуруҳлари нафақат Сурхондарёда бўлгани каби аҳолининг сув, ободонлаштириш, йўл масалаларини ҳал этяпти, балки тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак кўрсатяпти. Буни Наманган вилояти мисолида кўриш мумкин.

Ишчи гуруҳи Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўрганиш мақсадида маҳаллаларда бўлиб, аҳоли хонадонларини кўздан кечиряпти, уларга шароит яратишга интиляпти.

Бу борадаги ишларни тартибли, тизимли амалга ошириш зарур. Шу боис Республика ишчи гуруҳи вакиллари, вилоят ҳокимлиги масъуллари ва сектор раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "маҳалла еттилиги" фаолияти, Сайхунобод ҳамда Уйчи туманлари тажрибалари асосида амалга оширилган ишлар, тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш, қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Наманган шаҳрида 4 та гуруҳдан иборат Ишчи гуруҳ аъзолари ташкил этилиб, улар бандлик, кооперациялар ташкил этилгани, миграциядаги фуқароларни қайтариш, хотин-қизлар бандлиги таъминлангани каби масалаларни саволнома асосида ўрганиб бориши қайд этилди.

Саҳифани Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.




**2024 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистоннинг ДОИМИЙ АҲОЛИСИ СОНИ 37 миллион 134 минг кишини ташкил этди.**




**Иссиқ ҳаво ҳарорати туфайли ПОЕЗДЛАР ТЕЗЛИГИГА ЧЕКЛОВЛАР киритилди, совитиш тизимининг ишлаш қуввати пасайиши мумкин.**



**Биринчи ярим йилликда Ўзбекистонга пул ўтказмалари миқдори прогноздан икки баробар кўп – 6,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРни ташкил этган.**



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МИНБАРИ

# Аукционда эҳтиёжмандлар қатнаша олмаяпти

**Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳоким ёрдамчисининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Жараёнда қайси ходим қандай натижага эришиши, фаолиятининг самарадорлиги унинг ташаббускорлиги, масалага креатив ёндашувга боғлиқ. Албатта, бу борада илғор тажрибага эга мутахассислар кўп.**
**Ушбу сонимиздан бошлаб, ҳоким ёрдамчиларининг ана шундай ўзига хос тажриба, ташаббус ва таклиф ҳамда соҳага доир муаммоларини чоп этиб борамиз. Бу шубҳасиз, барча ҳоким ёрдамчилари учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.**




**Аҳрорбек БОБОҚУЛОВ,**
**Қўшработ туманидаги "Янгиариқ" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:**
— Зиммамиздаги вазифаларни бажариш учун барча шарт-шароит мавжуд. Янги иш ўринлари яратиш учун кредит, субсидия каби воситалардан фойдаланяпмиз. Ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида серсув, ҳосилдор ерлар берияпти. Аммо бу жараёнда айрим муаммолар кўзга ташланяпти. Жумладан, ер аукцион орқали тақсимлангани учун ишсиз, эҳтиёжманд ёшлар танловда қатнаша олмаяпти. Чунки аукционда ютиб олиш учун уларда етарли маблағ йўқ. Маблағи бор талабгорлар ғолиб чиқяпти.

Таклифим — шу жараённи қайта кўриб чиқиб, ўзгартириш киритиш керак. Қарорда ажратилган ерлар яшаш жойидан 7 км. узоқликда бўлиши белгиланган. Аммо бошқа туман фуқаролари ҳам ғолиблар қаторида экани тушунарсиз. Қарор билан буғдойдан бўшаган ер берилиши кўрсатилган бўлса-да, амалда боғлар аукционга қўйилмоқда. Натижада боғ эгаси чиқиб, ўртада низо пайдо бўлмоқда.

Яна бир муаммо — ҳудудимизда 12 та тадбиркорлик субъектини бирлаштирган кичик саноат зонаси иш олиб боради. Лекин электр ва табиий газ таъминоти аҳоли тармоғи билан бир бўлгани учун кўп узилиш кузатилади. Таклифим — кичик саноат зонаси таъминотини алоҳида ажратиб бериш лозим.

### КРЕДИТНИ УНДИРИШ КИМНИНГ ВАЗИФАСИ?

**Собитхон МЎМИНОВ,**
**Самарқанд туманидаги "Шалғамон" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:**
— Маҳалламиз шаҳарга яқин ҳудудда жойлашгани учун аҳоли асосан, хизмат кўрсатиш билан банд. Кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишга эътибор беряпмиз. Аксарият ишсиз фуқаролар бизнес бошлаш учун таклиф этилган кредитдан фойдаланишга иккиланади. Шундай вазиятда уларни ишонтириб, кўмак беряпман. Масалан, Нуриддин Аслиддинов аввал 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига автомобил ювиш шохобчаси ташкил этганди. Жорий йил фаолиятини кенгайтириш учун яна мурожаат қилди. Унга 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Зафар Абдуллаевга фаолиятини кенгайтириш учун 100 миллион сўм, Шоира Йўлдошевага субсидия асосида тикув машинаси ажратилди.

Фаолиятимда бир муаммо кузатиляпти. Аҳолига ажратилган имтиёзли кредит маблағини ундириш ҳоким ёрдамчиси зиммасига юкланмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир банкда кредит ундирув бўлими бор.

### МАБЛАҒНИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИ ТАСАРРУФ ЭТСА...

**Абдулла МАТЁҚУБОВ,**
**Урганч шаҳридаги "Мустақиллик" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:**
— Ҳар бир ходим ўз вазифасини тўғри бажарса, муаммо кузатилмайди. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратилган. Айниқса, "маҳалла еттилиги" ташкил этилиб, солиқ тушумининг 10 фоизи маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасида қолиши қувонарли янгилик бўлди. Агар иложи бўлса, шу маблағни маҳалла ўзи тасарруф этса, деган таклифни билдирмоқчиман. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш фаолияти маҳалланинг ўзида амалга оширилса, ортиқча овора-гарчиликнинг олди олинади.

Кредит ажратиш тартибини янада соддалаштириш керак. Гоҳида талабгордан имкониятида бўлмаган ҳужжатлар сўрашяпти. Масалан, бир фуқаро тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун 100 миллион сўм кредит олишга қийналяпти. У "Евростом" хусусий корхонаси учун гаровсиз 100 миллион сўм кредит олишга май ойида ариза берган эди.

Аввал ундан бино эгаси билан 7 йилга тузилган ижара шартномаси сўрашди. Буни тайёрлаб берди. Энди банк ходими тадбиркордан фаолият юритаётган бинонинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақида маълумот талаб қиляпти.

ТАШАББУС

# "Хитойдаги тажрибани маҳалламда қўлладим"

**2023 йилда Хитой Халқ Республикасида "Ривожланаётган мамлакатларда давлат бошқаруви самарадорлиги" мавзусида ташкил этилган семинарда иштирок этиб қайтдим.**




**Дилноза УМАРОВА,**
**Янгиҳаёт туманидаги "Ёрқинҳаёт" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Ўрганганим — Хитойда инсон саломатлигига катта эътибор қаратилган. Мен ҳам маҳаллада мана шу соҳани ривожлантириш мақсадида Мадина Худойбердиевага уқалаш ва косметология йўналишида касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашдим. Кейинги босқичда 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб бердим. Ҳозир фаолиятини бошлаб, аҳолига хизмат қилмоқда. 4 нафар қизни иш билан таъминлаган.

Бундан ташқари, ҳудудимиздаги "Zilola Health med" тиббий клиникасига 100 миллион сўм кредит ажратилишига эришдим. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, 12 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Энг муҳими, маҳалладаги эҳтиёжманд оила вакиллари бу ерда бепул таҳлил топшириб, даволаниш имкониятига эга бўлди.

Маҳалламиз асосан, кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, ертўласи бўш турганди. Шу ердан унумли фойдаланиб, 8 та тадбиркорлик субъекти ташкил этдик. Мана шу фуқаролар мурожаатига бўш ер йўқ, деб жавоб берсам, ҳеч ким мени айбламасди.

Ишимга, вазифамга эътиборсиз қарай олмайман. Мурожаат ортидаги тақдирлар мени доим безовта қилади. Изланишга, янги имконият топишга ундайди. Гувоҳ бўлганингиздек, 8 нафар тадбиркор яна камида 2 тадан янги иш ўрни яратди. Излаган имкон топар, изламаган баҳона.

Ўтган йил натижасига кўра, 121 нафар ишсиз фуқарони доимий ишга жойлаштирдик. 330 нафари ўзини ўзи банд қилди. "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури асосида маҳалладаги 5 нафар тадбиркорга 100 миллион сўм кредит ажратилди.

Таклифим — аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириб бориш керак. Тажрибамда кўряпманки, ижтимоий муаммоларнинг замирида ҳуқуқий билим етишмаслиги ётибди.

Яна алоҳида таъкидлашни истардимки, ишлаган мутахассис қадрланади. Буни ўзимнинг мисолимда кўриш мумкин. Эришган натижалар ва маҳаллада камбағалликка барҳам берилгани сабабли жорий йилнинг 1-чорагида Миллий кадрлар захирасига киритилдим.

Ишимнинг самарасини кечаги ишсиз фуқаро ишли бўлганида, эҳтиёжманд маҳалладошим тадбиркорга айланганида кўраман. Уларнинг бахтидан ўзимни бахтли ҳис этаман.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

# Уй шароитида асалари қандай парваришланади?

**Бугун томорқада асалари парвариши орқали оила иқтисодини яхшилаш мумкин. Уй шароитида 20 тагача асалари оиласини боқиш бемалол ўзини оқлайди. Хўш, уй шароитида асалари оиласини боқишни қандай йўлга қўйиш мумкин? Агар ҳовлингизда етарли шароит бўлса, ҳеч иккиланмай, бу ишни бошлайверинг. Бунинг учун, энг аввало, яхши асалари зотларини танлаб, харид қилинг.**



**Зайниддин ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи.**

Уй шароитида асалари боқишда қутиларни қуёшли ерга жойлаштиринг, асалари учадиган туйнукларни жанубга қаратиб қўйинг. Қутилар остида қозиқчалар бўлсин, акс ҳолда ҳар хил зараркунандалар зиён етказиши мумкин. Махсус идишларга сувдонлар қўйилса, асалари сув излаб, бошқа ифлос сувлардан ичмайди.

Парвариш пайтида даладан яхшигина шира келаётган бўлса, янги мумпардали мосламаларни бир кунда тўқийди. Бундай даврда уядаги мосламани устки қисми оқаради. Бу асал тортиш даври бошланишини билдиради.

Асал тортиш мавсуми йил давомида 2-3 маротаба, айрим йилларда ундан кўп бўлиши мумкин. Бу мавсум тугагач, асалари оиласи қишловга тайёрланади. Шу вақтда оилаларда кўпроқ ёш асаларилар бўлишини таъминлаш лозим. Ҳар бир асалари оиласига қишлов учун унинг ҳолатига қараб, 10-15 кг.гача сифатли озуқа-асал қолдириш мақсадга мувофиқ.

Асалари оиласини ташқи ҳарорат салқин жойда 14 градусдан паст бўлмаганда, текширишга киришилади. Агар умумий аҳволи қониқарли бўлса, у ҳолда тўлиқ текшириш ишлари ҳаво ҳарорати 16-18 градус бўлгунча қолдирилади.

Бу жараёнда қўл тоза бўлиши, оқ ёки қора халат ҳамда қўланса ҳид келмайдиган кийимлар(атир, упа, пиёз, саримсоқпиёз, бензин, керосин, тер ҳиди)ни кийиши керак.

Текширишда тутаткич ёрдамида асалари уясига асалари кирадиган туйнукча орқали 2-3 марта тутун тутатилади, орадан 1-1,5 дақиқа ўтгач уя қопқоғи очилиб, устки ёпқичнинг бир чеккасини қайтариб, секин-аста ёғоч мосламани асаларичи ускунада суғуриб олиб, текширишга киришилади.

Уяни текшириш вақтида асаларилар билан ишлаш қоидасига (уяни тақиллатмай, асалариларни безовталантирмай) амал қилиш керак. Асалари кирадиган туйнукча олдини тўсиб қўйманг. Уядан суғуриб олинган ёғоч мосламани уя устида кузатиш тавсия этилади, шунда ундан тўкилган ёш асаларилар уяга тушади.

Тозалаш керак бўлса, ёғоч мосламада ёш асалари личинкалари ва янги келтирилган гул шираси бўлмаса икки четидан маҳкам ушлаб, силкитиб тушириш мумкин.

Оиланинг ички ҳажми кенгайтирилаётганда юзаки текширилади ва чеккадаги ёғоч мослама бир оз четга суриб, ўрнига кенгайтиришга мўлжалланган мослама қўйилади. Агар табиатдан шира келаётган бўлса, у ҳолда асалари уясининг керакли жойларига мумпардали ёғоч мосламалар берилади.

Асалари касалликларининг олдини олиш учун бақувват оилаларни сақлаш, зооветеринария қоидаларига асосан ҳар йили асалари оилаларини ветеринария врачи кўригидан ўтказиш ва баҳорда антибиотик дорилар қўшилган қўшимча озиқалар бериш лозим.

Кўп касалликлар деярли бир хил белгига эга. Шунинг учун мутахассисгина касалликни аниқлай олиши ва даволаш тадбирларини қўллаши мумкин. Касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ, асалариларлардан намуна олиб, яқин орадаги ветеринария лабораторияларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

# Республика вакили қандай кўмак кўрсатади?

**Лутфулло САЛИМОВ.**
**Чироқчи туманидаги "Боғишамол" маҳалласи:**

***— Ҳар бир туман (шаҳар)га ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида иқтисодиёт ва инвестиция комплексларига кирувчи вазирлик, идоралар, тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат республика вакиллари бириктирилган. Бу ходимлар ҳоким ёрдамчисига қандай кўмак кўрсатади?***

**Шерзод ОТАЖОНОВ,**
**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахассиси:**

— Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда республика вакиллари туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари билан бирга марказлар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятига кўмаклашади.

Ҳар куни битта маҳаллага чиққан ҳолда камида ўнта хонадонга шахсан бориб, мавжуд ҳолатни ўрганади, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради.

Ҳоким ёрдамчилари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилайди. "Хонадонбай" рўйхат асосида ҳақиқий ижтимоий вазиятни аниқлайди ҳамда ой-ма-ой амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

"Ўсиш нуқтаси"дан келиб чиқиб, етакчи тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари таклиф этаётган янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади, маҳаллаларда аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган хизмат турларини ривожлантиради.

Ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашни ташкил қилади.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади. Ҳудудга ажратилган маблағларнинг маҳаллалар кесимида тақсимланишини таъминлайди.



**Ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашни ташкил қилади.**



Ногиронлар учун банк, автомактаб, олий таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛИШИ МАЖБУРИЙ қилиб белгиланди.



“Ягона миллий меҳнат тизими” маълумотларига кўра, ҳозирда расман ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАР сони 584 336 нафарни ташкил этмоқда.



Ўзбекистонда коллеж ва техникумларга жами 106 256 та ҚАБУЛ КВОТАСИ тасдиқланди.



ИБРАТ



# “Ёшлар дафтари”, бу — катта имконият, аммо текин даромад манбаи эмас

**Эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тизим бор. Масалан, “Ёшлар дафтари” ҳаётга татбиқ этилиши билан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар, ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар учун янги имконият эшиклари очилди. Аммо ана шу имкониятни давлат мажбурияти, текин даромад манбаи, деб ҳисоблайдиган тоифалар йўқ эмас. Улар дафтарга киришни, гўёки ишламай яхши яшаш, деб ўйлашади. Аслида-чи, аслида “Ёшлар дафтари” — қўлловга муҳтожларга кўмаклашиш, иқтидорини, имкониятини кашф этиш воситаси.**

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

Қувонарлиси, бугун аксарият маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”га кирган йигит-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топиб, тадбиркор, ҳунарманд, тикувчи каби касб-ҳунар эгасига айланмоқда. Қўйида ана шундай ёшларнинг фикр-мулоҳазаси, тажрибаси билан танишасиз.

**Машҳура АСАДУЛЛАЕВА,**
**Шеробод туманидаги**
**“Гулчинор” маҳалласи:**

— Оилада 3 қизнинг ўртанчаси, боқувчисини йўқотган оила фарзандиман. Болалигимда отамдан айрилиб, онам қарамоғида қолганмиз. Ўтган йили мактабни тамомлаб, университетга ҳужжат топширдим. Аммо омадим келмади. Шу орада мени ёшлар етакчиси ишсиз сифатида рўйхатга олди. Бандлигимни таъминлаш учун таклиф билдирди. Хоҳишимга кўра, тикувчиликка қизиққаним сабабли субсидия асосида тикув машинаси олиб беришди. Натижада бир вақтлар шунчаки қизиқишим бўлган соҳа ҳозирда касбимга айланди. Ойига 2-3 миллион сўм даромад топяпман. Шогирдлар олиб, уларга ҳунар сирларини ўргатяпман.

**Азиза БОЙНАЗАРОВА,**
**Денов туманидаги**
**“Истиқлол юлдузи” маҳалласи:**

— 2022 йилда “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турардим. Қисқа вақтда шу даражага эришишимга мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, ғамхўрлик сабаб. Ишсиз ва касб-ҳунарсиз бўлганим учун дастлаб, тумандаги мономарказда тикувчилик сирларини ўргандим. Ўқишни тамомлаганимдан кейин, ёшлар етакчиси тавсияномаси билан субсидия асосида тикув машинаси берилди. Уйда буюртма қабул қилиб, аста даромад топа бошладим. Лекин бу билан чекланиб қолишни истамай, ўзим каби хотин-қизларга тикувчиликни ўргатиш мақсадида маҳаллада мономарказ филиалини очиш таклифини билдирдим. Таклифим қўллаб-қувватланди.

Берилган имкониятдан, яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, “Истиқлол юлдузи” маҳалласида тикувчилик ўқув курсини ташкил этдим. Ҳозирда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” рўйхатида турувчи хотин-қизларга касб ўргатяпман. Мазкур ўқув курсини тамомлаганларга ёшлар етакчиси тавсияномаси билан субсидия асосида тикув машинаси бериляпти.

**Асрбек СОЛИЕВ,**
**Жондор туманидаги**
**“Кўлиён” маҳалласи:**

— Инсон эртага нима бўлишини билмас экан. 2021 йилгача бошқа тенгдошларим каби соғлом эдим. Тирикчилик ташвишида хорижда ишлаб келардим. 2021 йили автоҳалокатга учрадим. Қаттиқ шикастланиш натижасида ўнг оёғимдан айрилдим. Жуда тушкунликка тушиб қолгандим. Ватанга қайтиб келганимда, оилам, бобо-бувим руҳий далда беришди. Айниқса, давлат кўмагини яқиндан ҳис қилдим. Маҳалламиз ёшлар етакчиси ҳолимдан хабар олиб, ҳаётга қизиқишимни қайтарди. 2023 йилда “Ёшлар дафтари”га киритилдим, зарур ёрдам кўрсатилди. Дастлаб ноутбук берилган бўлса, кейин субсидия асосида иссиқхона ташкил этдим. Оёққа туриб, яна меҳнат қилишда давом этдим. Ҳозир томорқада барпо этилган иссиқхонада 35 туп лимон кўчатларини парваришлаб, ҳар бир тупдан ўртача 1 млн. сўмдан даромад топяпман. Шу билан чекланиб қолмай, Президент қарорига кўра, 30 йилга фойдаланиш учун ер олдим. Унда дуккакли ўсимликлар экдим.

Ногирон бўлсам-да, қўл-оёғи бутун, лекин ҳаётдан нолийдиган, доим ёрдам сўраб яшайдиган тенгдошларимни кўриб, ҳайрон қоламан. Ахир нега улар шунча имкониятдан фойдаланишмайди?

МЕНДА САВОЛ БОР...

# Жамғарма маблағлари қандай сарфланади?

**Достонбек АЛИЖОНОВ.**
**Фарғона туманидаги “Обод” маҳалласи:**

***— “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларидан қандай мақсад ва шаклда фойдаланилади?***

**Мумтозбек МЕЛИҚЎЗИЕВ,**
**Ёшлар ишлари агентлиги**
**бош мутахассиси:**

— “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшлар дафтари” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан шакллантирилади. Ҳар чоракда ажратиладиган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳам жамғарма маблағларини шакллантириш манбаси этиб белгиланган.

Ҳудудий ва туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ваколатлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар)лардаги “Ёшлар дафтари” жамғармалари Васийлик кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишлича халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чоракда ажратиладиган маблағларни, биринчи навбатда, тегишли ҳудуднинг қўшимча манбалари нисбатан кам миқдорда шаклланган туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаларига ўтказиб бориш юзасидан таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритиб боради.

Ҳудудий ва туман(шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари тегишли ҳудуднинг қўшимча манбалари нисбатан кам миқдорда шаклланган туман(шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаларига, маҳалла, сектор, туман (шаҳар) ва ҳудуд даражасидаги лойиҳалар, ёшлар фестиваллари, форумлар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни молиялаштиришга, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун қўшимча шароитлар яратишга мўлжалланган енгил турдаги кичик кутубхоналар ва спорт объектларини барпо этиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлашга йўналтирилади. Қолаверса, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари учун ажратилган хизмат хоналарини моддий-техник жиҳозлар (мебель, планшет, компьютер тўплами, алоқа, интернет ва бошқалар) билан таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.



# ТАДБИРКОРЛИК ИСТАГИДАГИ ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Умид ОЗОДОВ.**
**Чироқчи туманидаги**
**“Боғишамол” маҳалласи:**

***— “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар тадбиркорлик истагида бизнес лойиҳа тақдим этса, ёшлар етакчилари уларни қайси манбаалар ҳисобидан қўллаб-қувватлайди?***




**Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,**
**“Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:**

— “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш 2 та йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналишда Савдо-саноат палатаси ва «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси талабгорларни 8 соатлик (ҳафталик) ўқув дастури асосида ўқув курсларида тадбиркорликка бепул ўқитади.

Кейинги босқичда ўқув курсларини муваффақиятли битириб, сертификатга эга бўлган битирувчиларнинг ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ёки уларнинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминлашга (иш ўринлари яратишга) қаратилган лойиҳаларини тузиш ва амалга оширишга кўмаклашади.

Иккинчи йўналишга кўра, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”нинг туман(шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кредит ажратилади.

“Микрокредитбанк” АТБ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

Кредитлар “Ёшлар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор иш билан таъминлаган ҳар бир ёш учун 33 миллион сўмгача миқдорда мутаносиб равишда белгиланади.

Савдо-саноат палатаси, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари жойларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

ЕТАКЧИЛАР ТАКЛИФИ

# Муаммонинг бош сабаби — ойлик маош камлиги

**Анъанага кўра, вилоятлар кесимида ёшлар етакчиларига минбар бериб, таклиф, муаммолари билан танишиб боряпмиз. Бу галги манзилимиз — Сирдарё вилояти. Дастлабки суҳбатдошимиз — Боёвут туманидаги “Маънавият” маҳалласи ёшлар етакчиси Озодбек Бердиалиев.**

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**





Етакчининг маълум қилишича, жорий йил бошида хатлов ўтказилган Унда 12 нафар ишсиз ёшлар рўйхатга олинган. Ҳозиргача 4 нафари доимий ишга жойланган. Қолган йигит-қизлар таклиф этилган иш ўринларини рад этган. Муаммонинг бош сабаби — ойлик маош камлиги.

Шундан келиб чиқиб, Озодбек Бердиалиев ҳудудда йирик ишлаб чиқариш корхонаси қуриш таклифини билдирди. Бу албатта, бандликни таъминлашга ёрдам беради. Унинг таъкидлашича, хатловда ёшлар фикри ўрганилганда, маҳалла ҳудудига креатив парк, кутубхона қуриш таклифи билдирилган. Бундан ташқари, тил ўрганиш, фанлар бўйича олий ўқув юртига тайёрлашга ихтисослашган ўқув маркази ташкил этишни сўрашган. Ҳудудда бундай ўқув маркази йўқлиги учун талабгорлар қўшни маҳаллаларга қатнаб, илм олмоқда.

**АЙРИМ САВОЛЛАРГА “ЕТТИЛИК”ДА ЖАВОБ ЙЎҚ**

Навбатдаги суҳбатдошимиз — Гулистон туманидаги “Аҳиллик” маҳалласи ёшлар етакчиси Баҳромжон Мадатов.

Сўнгги хатловга кўра, маҳаллада 811 нафар ёш рўйхатга олинган. Ҳудуд йигит-қизларининг хорижий тилларни ўрганишга қизиқиши катта. Шу мақсадда жорий йил бошида инглиз тилини ўқитишга ихтисослашган ўқув маркази ташкил этилган. Етакчи немис, француз, корейс тилига қизиқувчилар кўплигини инобатга олиб, маҳаллада тилларни ўқитишга ихтисослашган ўқув марказ очиш таклифини билдирди. Бундан ташқари, хориждаги ёшлар ва миграцияга кетмоқчи бўлганлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Унинг фикрича, “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили бу борадаги фаолиятини тартибга солган бўлса-да, айрим саволларга жавоб топиш қийин бўляпти. Масалан, ҳозир хориждан иш таклиф қилаётган хусусий фирмалар ишончли эканини сўраб келганларга маҳалла аниқ жавоб бера олмаяти. Баъзи вазиятда ёшлар фирибгарлар тузоғига тушиб қолмоқда. Шу боис “маҳалла еттилиги”да иш таклиф этаётган хусусий фирмалар ҳақида батафсил маълумот бўлиши керак. Ҳудуддан четга ишлаш учун кетаётган йигит-қизлар иш берувчи тўғрисида маълумотни маҳалладан олиш имкониятига эга бўлсин!



**БОШ ПРОКУРАТУРА:** тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар сони 1 минг 831 нафарни ташкил этган.



**Ўзбекистонлик алпинистлар илк бор мамлакатимизнинг ЭНГ БАЛАНД НУҚТАСИ — денгиз сатҳидан 4 668 метр баландликка кўтарилди.**



**Ўзбекистонда БАЛИҚ ОВЛАШ муддати 28 февралдан якунланган бўлиб, тақиқ 15 августгача давом этади.**



СОЛИҚЧИ – ҚЎМАКЧИ

# “Кунлик назорат ўрнатилгач, солиқ тушуми ортяпти”

**Улуғнор тумани чўл ҳудуди ҳисоблангани боис илгари бу ерларда бирор экин етиштириш қийин эди. Эндиликда турли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, аҳоли балиқчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, теракчилик билан шуғулланяпти.**

**Илҳом АБДУРАҲМОНОВ,
Улуғнор туманидаги “Ёшлик”, “Фазогир”, “Овилмат” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Ўттиз йиллик иш тажрибам давомида маҳаллага бунчалик чуқур кириб бормагандим. Олдин жисмоний шасхлардан мол-мулк ва ер солиғи ундириш билан шуғулланган бўлсам, ҳозир 21 та йўналиш бўйича ишлаяпман. Очиғи, “Ёшлик”, “Фазогир”, “Овилмат” маҳаллаларидаги дастлабки фаолиятимда юридик шахслар билан ишлаш бироз қийинчилик туғдирди. Чунки солиқ тўлаш тизими издан чиқиб, назоратсиз қолган.

Юридик шахс мақомидагиларнинг аксарияти йилда бир марта солиқ тўлашга ўтиб олган. Улар сув солиғи каби солиқ турларини билишмаган. Масалан, уйида кичик цех ташкил этиб, қурут ишлаб чиқарувчи тадбиркор уч йилда 280 минг сўм солиқ тўлаган холос. Унинг уч йиллик солиқ тўлови қайта ҳисоблanganда 5 млн. сўм солиқ ҳисобланди. Назорат касса машинаси ўрнатилиб, кунлик савдо тушуми назорат қилингач, уч йилга 280 минг сўм эмас, ойига ўртача 650 минг сўм айланма солиқ тўлаяпти.

Балиқчилик хўжаликларида ҳам “даромад бўлмаяпти, йил якунида солиқ тўлайман”, деган баҳоналар кўп бўлди. Бироқ уларнинг фаолиятини назоратга олгач, ортиқча баҳоналарга ўрин қолмади.



“Маҳаллабай” ишлаш асосида билдимки, тизимли назорат бўлса, ноқонуний фаолиятга йўл қолмас экан.

Шу тартибда ҳудуддаги 80 та юридик шахс билан бирма-бир тушунтириш ишларини олиб бориб, ҳар ойлик солиқ ҳисоботини талаб этяпман. Натижада ўтган июнь ойида давлат бюджетига 140 миллион сўм солиқ тушуми ундириб, белгиланган режани 99,9 фоизга бажардим. Бунинг ҳисобига ойлик маошимга қўшимча 150 фоиз устама ҳақ олдим.

Ҳозир учта маҳаллада икки мингга яқин ер-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахс бор. Уларнинг жорий йил ҳисобига 400 млн. сўм атрофида ер-мулк солиғидан қарзи мавжуд. Қарзи бор аҳоли билан бирма-бир мулоқотда бўлиб, тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Имконияти борлари октябрь ойини кутмасдан белгиланган солиқларини тўлашяпти. Туман марказидан 25 километр, қўшни Бўз тумани билан чегара ҳудудда жойлашган “Фазогир” маҳалласида вазият бироз оғир. Чунки бу ерда ишсизлар сони юқори. Шу боис аксарияти деҳқончилик йиғим-теримидан сўнг тўлашини билдиришмоқда. Солиқ тўловчиларнинг шароитини тушунга ҳолда ушбу ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган турли лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ҳудудда қайта ишлайдиган маҳсулотлар кўп, лекин уларни амалга ошириш учун бирор инвестор топилмаяпти.

Маҳаллалар аҳолисининг айримлари 2-3 нафар бўлиб бирлашиб, 20-30 бош қорамол боқишяпти. Бироқ нотурар ер-мулк солиғи ошгани ҳисобига бу йўналиш ҳам кенг ривожланмаяпти. Бирдан-бир йўли қайта ишлаш корхоналари ташкил этишдир. Шунда ишсизлар камайиб, солиқ тўловчилар сони ортарди.

Аслида барча ҳаракатларимиз шу мақсадга қаратилган. Ҳозир 15 та юридик корхона ташкил этиб, 3 тасининг фаолиятини қонунийлаштирдик. 500 нафар фуқаронинг бандлигини таъминладик. Насиб, келгусида берилган барча вазифаларни уддалаб, 200 фоизлик устамага эга бўламан.



МОҲИЯТ

## ЭҲТИЁЖМАНДЛАРГА ҚҚС БИР КУНДА ҚАЙТАРИЛАДИ

**2025 йил 1 июлдан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган жисмоний шахслар гўшт (қўй, мол, парранда) тухум, ўсимлик ёғи ҳамда ун, шакар, дори воситалари ва тиббий хизматларни белгиланган миқдор (ойига БҲМнинг 10 бараваригача) доирасида харид қилишда тўланган ҚҚС суммаси бир иш кунида қайтарилади. Харид чекини Солиқ мобил иловасида сканерлаш талаб этилмайди.**

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.**

Бу ҳақда Президентнинг “Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида белгиланди. Янги тартиб татбиқ этилгунга қадар ижтимоий кешбек амалдаги тартибда қайтарилади.

**Маълумот учун:**
*Солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан кейин қўлланилади.*

Мазкур ҳужжат асосида “Ижтимоий карта” ахборот тизимини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, саноатда фойдаланишга жорий этиш ва такомиллаштириш мақсадида қўшма корхона ташкил этилади. “Ижтимоий карта” АТни яратишда иштирок этувчи қўшма корхона ва тўлов ташкилотига Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

Бу жараёнда қўшма корхона берган товарлар (ишлар, хизматлар) қабул қилувчи томон учун фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ (АОС) ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШОДС) бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

ҚЎЛЛАНМА

# Солиқ имтиёзларидан онлайн фойдаланинг!

**Бугунги тезкор замонда тадбиркорлар учун зарур қулайликлар яратилмоқда. Навбатдагиси “Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат юбориш” интерактив хизмати бўлиб, у my3.soliq.uz порталида тест режимида ишга туширилди. Ушбу хизматдан юридик шахслар, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва айланмадан олинадиган солиқ (АОС) тўловчилари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар фойдаланиши мумкин.**

**Аҳмад ФАЙЗИЕВ,
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.**

Интерактив хизмат орқали имтиёз мавжуд бўлган кўчмас мулк эгалик ҳуқуқи ёки майдони ўзгарганда ҳам ушбу объект учун мурожаат юбориш мумкин. Бунинг учун **“Сотиб юборилган ёки ер майдони ўзгарган майдонлар”** ойнасида тегишли маълумотлар (давр, ҳудуд ва кадастр маълумотлари) кўрсатилиши керак.

Солиқ тўловчилар бундай хизматлардан фойдаланиши учун, аввало, солиқ органларини хабардор қилиши зарур. Бунинг учун **my3.soliq.uz** сайтида шахсий кабинетга кириб, “Юридик шахслар учун хизматлар” ойнасидан “Электрон ҳужжат айланиши” бўлимида жойлашган **“Юридик шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат”** интерактив хизмат ойнаси танланади. У ердан **“Мурожаат юбориш”** бўлимига кирилиб, тегишлилиги бўйича ҳужжат тури, солиқ тури, ҳужжат рақами кўрсатилади.



Бу жараёнда имтиёз бошланиш ва тугаш санаси, имтиёз матни қаторлари автомат равишда шаклланади. Шундан сўнг **“Асослантирувчи ҳужжатни танланг”** тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар *(мисол учун: лицензия, сертификат, шартнома, кадастр ва шу каби бошқа ҳужжатлар “pdf” форматда)* бириктирилиши керак.

Шуни билингки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланма бўйича қўшилган қиймат солиғидан имтиёз танланганда алоҳида қўшимча ойна очилади. Бу жараёнда қўшимча тарзда очилган қабул қилувчи ташкилот номи, СТИРи ҳамда Лойиҳа рақами, санаси ва мазмуни катаклари тўлдирилади. Шундан сўнг “Асослантирувчи ҳужжатни танланг” тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар *(масалан, имтиёз назарда тутилган норматив ҳужжат кўрсатилган шартнома нусхаси ва шу каби бошқа ҳужжатлар “pdf” форматда)* бириктирилади.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тури танланганда ҳам алоҳида қўшимча ойна очилади.** Бунда имтиёз қўлланиладиган соҳа танланади. Шундан сўнг “Асослантирувчи ҳужжатни танланг” тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар *(мисол учун, сув хўжалиги бўлимининг маълумотномаси, сертификат, кадастр ва шу каби бошқа ҳужжатлар “pdf” форматда)*ни киритасиз.

Шунингдек, мол-мулк ёки ер солиғи танланганда алоҳида қўшимча ойна очилади. Бу жараёнда имтиёзга эга бўлган объектнинг кадастр рақами танланади. Сўнгра мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга мулк қиймати ва майдони, шунингдек, ер солиғи бўйича имтиёзга эга ер майдони қаторлари тўлдирилади. Шундан сўнг “Асослантирувчи ҳужжатни танланг” тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар *(масалан, лицензия, сертификат, шартнома, кадастр ва шу каби бошқа ҳужжатлар “pdf” форматда)* бириктирилади.

**Эслатма:**
*Солиқ тўловчига бирламчи ҳужжатларга асосан, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича техник имконият яратилган тақдирда ҳам ундан тўғри фойдаланиш солиқ тўловчининг зиммасида қолиши ва мазкур имтиёздан фойдаланиш жараёнида суиистеъмолчиликларга йўл қўйилган тақдирда ушбу маблағлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилиши тушунтирилади.*

**Солиқ тўловчи бир неча объектлар бўйича имтиёзга эга бўлса, “қўшиш” тугмаси орқали ҳар бир объект ва уларнинг маълумотларини юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.**

Кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ёки майдони ўзгарганда **“Сотиб юборилган ёки ер майдони ўзгарган майдонлар”** ойнасига ўтасиз. Шундан сўнг имтиёзга эга бўлган объектнинг кадастр рақами танланади. Сўнгра мол-мулк солиғи бўйича имтёзга эга мулк қиймати ва майдони, шунингдек, ер солиғи бўйича имтиёзга эга ер майдони қаторлари тўлдирилади. Кейин “Асослантирувчи ҳужжатни танланг” тугмаси орқали асословчи ҳужжатлар *(мисол учун, олди-сотди шартномаси, сертификат, кадастр ва шу каби бошқа ҳужжатлар “pdf” форматда)* бириктирилади.

Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, **“Юбориш”** тугмаси босилади. Солиқ тўловчилар юборган мурожаатлар ҳар бир солиқ турига масъул ходимлар томонидан ҳужжатларнинг асосли ва тўғри имтиёз бандлари танланганлиги ўрганиб чиқилиб, электрон ҳисоб-фактура, Онлайн касса машиналари ва солиқ ҳисоботларида автомат танлаш учун техник имконият яратилади. **Солиқ тўловчилар ўз мурожаатлари ҳолатини “Мурожаатлар рўйхати” бўлимида реал вақт режимида кузатиб боришлари мумкин.**

МЕНДА САВОЛ БОР...

# Уй-жой ижара шартномаси қандай бекор қилинади?

**Гулираъно ҲАЙДАРОВА.
Тошкент шаҳри.**

***— Ўзимга тегишли шахсий уйимга талабаларни бир йил муддатга шартнома асосида ижарага қўйган эдим. Бироқ улар уйимни тоза сақлаб туришмаяпти. Уй ремонти ва маиший техникаларга ҳам қисман зарар етказган. Шу боис улар билан тузилган уй-жой ижара шартномасини бекор қилмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак?***

**Абдуқаҳҳор МАҲМУДОВ,
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи:**

— Аввало, шуни билиш кераккки, уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жой ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим. Агар сиз айтгандек ҳолат кузатилса, уй-жой ижара шартномаси тарафларнинг келишуви билан бекор қилинади. Уй-жой ижара шартномаси ижарага берувчининг талабига биноан, суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Агар ижарачи:

— белгиланган муддатдан 2-мартадан кўпроқ ҳақ тўламаса;

— уй-жой вайрон қилинган бўлса;

— уй-жойдан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланилса.

2022 йил 1 январдан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган кўчмас мулк ижара шартномалари “Е-ижара” хизмати ёки Солиқ мобил иловаси орқали масофадан турган ҳолда электрон шаклда солиқ органларида ҳисобга қўйилади. Тарафларнинг келишувига биноан ёки қонунчиликда белгиланган тартибда ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан “Е-ижара” тизими орқали реал вақт режимида ҳисобдан чиқарилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ органларида ҳисобга қўйишда ижара шартномаси ҳам, уни бекор қилиш учун икки томонлама келишув ҳам ёзма (қоғоз) шаклда тузилган бўлиши лозим. Ушбу ҳужжатлар асосида ижара шартномаси ҳисобга қўйилади ва ҳисобдан чиқарилади.

Ижарага берувчи икки томонлама келишув тузмаган ҳолда ижара шартномасини (солиқ органида) ҳисобдан чиқарган бўлса, суд органларига мурожаат қилиш тавсия этилади.





Андижонлик 4-мактаб ўқувчиси Бутунжаҳон немис тили олимпиадасида ОЛТИН МЕДАЛни қўлга киритди.



Мустақилликнинг 33 йиллигига бағишланган “ENG ULUG', ENG AZIZ” анъанавий республика кўрик-танлови эълон қилинди.



2024 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистон ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ ҳажми 567,4 триллион сўмни (45,2 миллиард доллар) ташкил этди.



ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

# 46 113 нафар ёш билан манзилли ишланади

**Ички ишлар органларига ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва улар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида бир миллион нафар ёш бириктирилиб, улар билан манзилли ишлаш вазифаси юклатилган.**

**Бухоро вилояти ИИБ Ахборот хизмати.**

Шу мақсадда Бухоро вилояти 3-секторларига қарашли 142 та маҳаллада истиқомат қилувчи 7 тоифага кирувчи 46 113 нафар ёш рўйхати шакллантирилди ва улар шаҳар-туман ИИБларининг 142 та масъул раҳбарига бириктирилди. Ана шу ёшлар орасидан оғир тоифадаги 5 519 нафар ёш ажратиб олиниб, “Янги Ўзбекистоннинг ватанпарвар ёшлари” шиори остида босқичма-босқич вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати батальонида икки кунлик ўқув йиғинларига жалб этилиб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари олиб борилди.

Мазкур ўқув йиғинларининг мантиқий давоми сифатида Вобкент туманидаги “Порлоқ келажак” болалар оромгоҳида 5 кунлик “Янги Ўзбекистоннинг ватанпарвар ёшлари оромгоҳи” ўқув йиғини ташкил этилди. Унга 14-16 ёш тоифасидаги 100 нафар вояга етмаганлар қамраб олинди. Улар ёш тоифаси бўйича 4 гуруҳга бўлиниб, кун тартиби асосида турли машғулотлар ўтказилмоқда.

Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, подполковник Икромжон Турсунов болалар оромгоҳида ўқув йиғинларининг боришини кўздан кечириб, ёшларга таълим-тарбия бериш билан боғлиқ ўқув дастурининг бориши, ташкиллаштирилган турли тадбирлар билан яқиндан танишди. 16 ёшли болалардан таркиб топган жамоалар ўртасидаги “Заковат” интеллектуал ўйинида иштирок этиб, ғолибларни диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.



**16 ёшли болалардан таркиб топган жамоалар ўртасидаги “Заковат” интеллектуал ўйинида ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.**

Шунингдек, ўқув йиғини доирасида ўтказилиши режалаштирилган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи фильмлар намойиши, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятига оид давра суҳбатлар, ватанпарварликни тарғиб қилувчи спорт мусобақалари, “Конституция билимдони” викторинаси каби тадбирлар юзасидан бир қатор тавсия ҳамда таклифлар билдирилиб, ўқув йиғинининг ҳар томонлама сифатли ва кўтаринки кайфиятда ўтказилишини таъминлаш борасида масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**Жиноятчиликнинг туб илдизи ишсизлик, бекорчилик ёки тўқликка шўхликдир. Фаолиятимиз давомида “маҳалла еттилиги” билан, аввало, ишсизларни ишли қилишга эътибор қаратяпмиз. Бугун икки ярим минг нафарга яқин аҳолининг 90 фоизи тадбиркор: қурук ва ҳўл меваларни саралаб, қайта ишлайди.**

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



# “Нотинч оилаларни маҳаллада яраштирдик”

**Алишер МУСТАФОЕВ, Ургут туманидаги “Янги Вағашти” маҳалласи профилактика инспектори.**

2021 йил бу ерда иш бошлаганимда ҳудуд “қизил” тоифада бўлган. Ўзаро келишмовчилик, гиёҳванд моддаси билан боғлиқ жиноят, нотинч оилалар сони кўп эди. Бугун “Янги Вағашти” маҳалласи жиноятчиликдан холи ҳудуд — “яшил” тоифада. Бироқ бунга осонлик билан эришганимиз йўқ.

Биринчи навбатда, жиноятчиликни кескин камайтириш учун “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш тизими асосида фуқаролар билан учрашиб, тарғибот ишларини олиб бордик. Ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашадиган тарқатма материаллар бериб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб бордик.

Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш чораларини кўрдик. Нотинч оилаларни маҳалла идорасига чақиртириб, маҳалла фаоллари, кайвонилар иштирокида маслаҳат, тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатилди. Уят ўлимдан қаттиқ, деганидек, 5 та оиладан 4 таси ўзаро тотувликда яшашни бошлади.

Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ҳам тизимли ишланяпти. Улар ўртасида турли спорт мусобақалари, танлов ва маданий тадбирлар ташкил этилиб, жиноятчиликнинг салбий оқибатлари тушунтирилмоқда. Ҳозирда профилактик ҳисобда турувчи 3 нафар ёш билан ишлаяпмиз. Энг муҳими, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олди олиняпти.

Ҳудудимизда Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали жойлашган. Бу ерда 1300 нафарга яқин ёшлар таълим олишади. Уларнинг ва маҳалла осойишталигини таъминлаш учун энг муҳим жойларга 20 та кузатув камераси ўрнатилган. Уларнинг иккитаси туман ички ишлар бўлимига интеграция қилинган. Бундай замонавий қурилмалар жиноятчиликни аниқлашда муҳим ўрин тутаётгани учун келгусида уларнинг сонини кўпайтириб, хизмат хонам ва планшетимга интеграция қиламиз.



Маҳалла аҳолисининг аксарияти ўзига тўқ оилалардан иборат. Шу боис хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар кам. Улар билан мунтазам ишлашимиз натижасида 15 нафари қолди. Қайтганларини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**Ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашадиган тарқатма материаллар бериб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб бордик.**

Ҳозирда ҳудудда жиддий муаммолар йўқ. Аҳолининг эътирозига сабаб бўлган ичимлик сув ва ички кўчаларни асфальтлаш ишлари ҳам охирига етказилмоқда. Келгуси режаларимиздан бири, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтириб, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудуд — “яшил” тоифада ушлаб қолишдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Маржона ҚУРБОНОВА. Андижон вилояти:**

***— Турмуш ўртоғим билан 10 йил мобайнида яшаб келган уйимизни унга холаси ҳадя шартномаси орқали ўтказиб берган. Ҳозирда иккимиз ўртамизда келишмовчилик мавжуд. Мен шу уйдан улуш олиш учун даъво қилсам бўладими?***

# УЙДАН УЛУШ ОЛИШ УЧУН ДАЪВО ҚИЛСАМ БЎЛАДИМИ?

**Абдуллажон ОДАШЕВ, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди судьяси:**

— Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ, эр-хотин ўртасидаги никоҳ давомида орттирилган мол-мулки уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Шунингдек, эр-хотиннинг никоҳга қадар бўлган ўзининг мулки, шунингдек, никоҳ даврдаги уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган мерос тариқасида ҳадя ёки бепул битим асосида ўтган мол-мулки уларнинг ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Бундай ҳолатда сиз ушбу мулкдан улуш олишга ҳақли эмассиз.

Эслатиб ўтамиз, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.



СУД ҲУКМИ

# Йигирма уч ёшида, шунча фириб бошида

**Айримлар кимдандир лафз қилиб омонат олса, то уни эгасига бус-бутун қайтармагунча тинчи йўқолади. Еган-ичганида, юриш-туришида, уйқусида ҳаловат бўлмайди. Аслида олди-берднинг қиймати шунда.**

**Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.**

Бироқ Элшодбек ёш бўлса-да, виждонини аллақачон шайтонга сотган кўринади. Йўқса, таниши Диёриддинни бир ойга қолмай “Cobalt” автомашинасини олиб беришга ишонтириб, 13 000 АҚШ долларини олармиди?! Ишончли чиқиши учун ўз паспортининг нусхаси орқасига тилхат ёзиб берармиди?! Катта-катта ҳарфлар билан “2022 йил 27 октябрь” деб ёзиб, жимжимадор имзосини ҳам қўйишни унутмади.

Шу ўринда Диёриддиннинг ҳам қилмишини оқлаб бўлмайди. Фирибгарларнинг фириби ҳақида сира эшитмаган одамдай, шунча пулни бир бебурднинг паспорт нусхасию имзосига алмаштирганига ҳайрон қоласан. Расмий дилерлик автосалонлари, банклар орқали автомашиналарни қонуний сотиб олиш имкониятлари бўла туриб, ноқонуний йўл тутгани ажабланарли.

*— Баъзан ортиқча ишонувчанлик, соддалик, ўзгаларнинг имкониятларига юқори баҳо бериш ёки эринчоқлик, ўз зиммасидаги масъулиятни бошқаларга юклаш ана шундай нохуш оқибатларга олиб келади,* ***— дейди Чилонзор тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси, майор Рустам Жепбиев.*** *— Диёриддин автосалонларга боришга эринганми, ҳужжатлар тўплаб вақтим кетади, деб ўйлаганми, ўз зиммасидаги ишни “осон” ҳал қилувчи Элшодбекка ишониб топширган. Элшодбек эса пул қўлига тушиши билан ваъдасини унутиб, ўз эҳтиёжларини қондириш билан машғул бўлган.*



**Элшодбек виждонини шайтонга сотган кўринади. Йўқса, таниши Диёриддинни “Cobalt” олиб беришга ишонтириб, 13 000 АҚШ долларини олармиди?!**

Шу ўринда йигирма уч ёшида ўз танишини алдаб, шунча пулни ҳавога совурган, бирор касбнинг этагидан тутмаган йигитнинг ота-онаси фарзандидан бу пулларни қаёқдан олганлиги ҳақида сўраб-суриштирмагани, қизиқмагани таажжубли.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди Элшодбекнинг қилмишини қонуний кўриб чиқиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси (“Фирибгарлик”) билан айбли деб топди. У томонидан етказилган моддий зарар қопланганини инобатга олиб, суд унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, икки йилу олти ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.



Бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Таълим сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун МИЛЛИЙ СЎРОВ ТИЗИМИ ишлаб чиқилмоқда.



2030 йилда ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр улуши 40 фоизга етказилади.



ИҚТИДОР

# Умид бўлса, машаққатлар енгилади

**Вобкент туманидаги “Шифокор” маҳалласида яшовчи Умиджон Тўраев айни дамда 20 ёшни қаршилаган. Жуда ақлли ва мулоҳазали йигит. Ота-онаси ташкил этган "Умиджон маркет" савдо дўконини маркетинг ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида юритиб келаётган қаҳрамонимизда болаликдан ногиронлик мавжуд. Бироқ бу унинг ўқишига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ривожланишда давом этишида умуман тўсқинлик қилмайди.**




**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.**

Таъкидлаш жоизки, Умиджоннинг тадбиркорлик соҳасидаги таклифлари оилавий савдо шохобчасида тадбиқ этилганидан сўнг, савдо ҳажми 30-40 фоизга ошди. Бу кейинги муваффақиятларига замин бўлиши шубҳасиз.

Уч ўғилнинг каттаси бўлган қаҳрамонимизнинг отаси тадбиркор, онаси ҳамшира бўлиб фаолият юритади. Бизнес, IT соҳаларига қизиқувчи Умиджон Жасурбек ва Алибек исмли укаларига компьютер сирларини ўргатиб келяпти. Ўзи айни дамда Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич таҳсилини якунлади.

Умиджонни қийнаб келаётган муаммолардан бири — унинг электрон аравачага муҳтожлигидир. Чунки ҳозирда масофавий таълим олаётган йигитнинг дарсларда иштирок этиши, турли ўқув курсларида малака оширишга бориб-келиши учун бу мосламага эҳтиёжи жуда юқори эди. Туман "Инсон" ижтимоий хизматлари марказига қилинган мурожаат бесамар кетмади.

Яқинда унга ўзи истаганидек электрон аравача тақдим этилди. Табиатан мустақил бўлишни хоҳлайдиган қаҳрамонимиз учун аравачанинг берилиши айни муддао бўлди. Эндиликда у бемалол ҳаракатланиши, ўз устида ишлаши, ўқув машғулотларига қатнашиши мумкин.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Улов бўлса, узоғимиз яқин бўларди...

**...Нафақа ёшидаги бу эркак биринчи турмушидан ажрашиб, иккинчи оиласи билан ижарада яшайди. Диск чурраси хасталигига чалингани боис юришга қийналади. Уч нафар қизи билан муносабатлари яхши эмас. Оиладаги муҳитни ўрганиб, ота ва фарзандлар ўртасидаги алоқани тиклаш кераклигини тушундим. Эртага қизларидан бирининг уйига бориб, шу масала бўйича гаплашмоқчиман...**



**Мурожаатчиларнинг миннатдор қиёфасини кўриб, раҳматини эшитиб, бу соҳани танлаб янглишмаганимга қайта-қайта амин бўламан.**

**Дилшод НОРБОЕВ,
Жиззах шаҳри Ҳамид Олимжон ва Алишер Навоий номидаги маҳаллалар ижтимоий ходими.**

Ижтимоий ходим фақат моддий жиҳатдан ёрдам бермасдан, инсонларни руҳан қўллаб-қувватлаши керак. Шунда уларнинг кайфиятини кўтарамиз. Яшашга иштиёқи ортади. Яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан саломатлиги тикланади.

Маҳалла ҳаётида бундай вазиятларга кўп дуч келамиз. Аслида муаммони юзаки ҳал этиш билан натижага эришиб бўлмайди. Унинг туб илдизига етиб борсаккина, инсонларга яхшилик қилган бўламиз. Айтайлик, идорамизга моддий ёрдам сўраб келган кишига пул беришдан кўра, ишлаш лаёқатига эга бўлса, бандлигини таъминлашга кўмаклашганимиз маъқул ечимдир. У доимий даромад топиш билан бирга, жамиятга наф келтиришни бошлайди ва ижтимоийлашуви таъминланади.

Ҳудудимиздаги 1 200 та оила билан ишлаш жараёнида 5 та кейс очдик. Ҳар бири ўзгача тақдир ва кечмиш. Бизга умид билан тикилиб турган кўзларга қараб, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслигим кераклигини англайман. Арзимаган муаммо ортида қанчадан-қанча одамлар тақдири борлигини ўзимга ўзим кўп таъкидлайман. Мурожаатчиларнинг миннатдор қиёфасини кўриб, раҳматини эшитиб, бу соҳани танлаб янглишмаганимга қайта-қайта амин бўламан. Аҳолининг 70-80 фоизи ижтимоий ходим фаолияти ва вазифалари ҳақида билади. Аввал раисга дардини айтган бўлса, энди тўғри бизни ёнимизга келяпти.

Бир аёлнинг 14 ёшли ногирон фарзанди бор. Оилада 12 нафар одам бирга яшайди. Шароити мақтагулик эмас. Ҳолат билан чуқурроқ танишганимдан кейин йиллар давомида уйидан чиқмаган онанинг ижтимоийлашувини таъминлаш кераклигини тушундим. Бунинг учун биринчи навбатда болани ғамхўрлик гуруҳига жойлаштириш керак. Лекин ҳудудимизда ҳали бундай гуруҳлар ташкил этилмади. Яна бир оила фарзандининг таълимнинг шундай шаклига эҳтиёжи бор.

Қолаверса, ҳудудимизда нутқида нуқсони бўлган 4-5 нафар фуқаролар яшайди. Моддий имконияти етмагани боис пулли хизматлардан фойдалана олмайди. Шундай инсонлар учун маҳаллаларда бепул логопед хизматларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳафтада бир ёки икки марта ўтилган машғулотлар уларнинг саломатлигини тиклашда катта аҳамиятга эга.

**Таклифим:** айни вақтда бир нафар ижтимоий ходимга икки-учта маҳалла бириктирилган. Иш кўлами ҳам шунга яраша. Баъзан қайсидир хонадонга зудлик билан етиб боришга тўғри келади. Бу эса ўз-ўзидан вақт талаб этади. Шаҳар жойларида ҳеч қандай муаммо туғилмаслиги мумкин. Автомобиллар серқатнов, бири бўлмаса бошқасида етиб олса бўлади. Лекин Ғаллаорол, Зомин, Бахмал каби тоғли, чекка ҳудудларда бироз қийинчилик пайдо бўлади. Уни бартараф этиш учун ҳар бир ижтимоий ходимга имтиёзли нархлар ва шартлар асосида ўз ҳисобидан скутер харид қилиш имкони берилса, иш самарадорлиги янада ортган бўларди. Айтайлик, бу техник воситанинг нархи 11 миллион сўм бўлса, 3 йил давомида 300 минг сўмдан тўлаш шартини жорий этиш мумкин. Ўйлайманки, юрагида ўти бор, шижоати баланд ҳамкасбларим бу имконият сабаб янада унумлироқ меҳнат қилган бўларди.

ЯНГИЛИК

# Ногиронлиги бор шахслар учун “тўсиқсиз муҳит”

**“Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ:**

2024 йил 1 октябрдан дастлаб бюджет маблағлари, давлат корхоналари ва марказлаштирилган манба маблағлари ҳисобидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва таъмирланадиган шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларининг техник қисми мувофиқлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилади.

Тадбиркорлар ҳамда ННТ маблағлари ҳисобидан қуриладиган объектлар лойиҳаларига эса 2025 йил 1 январдан бошлаб ушбу амалиёт татбиқ этилади.

Шунингдек, “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” жамғармаси маблағларининг 10 фоиз қисми чорраҳаларда хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йўналтирилади. Қурилиш ишлари ҳар йили 1 ноябрга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Эндиликда барча қурилиш объектлари, чорраҳалар ва жамоат транспортлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилади.

**Ҳар йили 1 ноябрга қадар:**

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кейинги йил учун ўзининг ҳудудидаги камида биттадан кўчани ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда унинг қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширади;*

*2024 йил 1 декабрга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланишлари учун шаҳарсозлик норма ва қоидалари талаблари асосида кўчаларни мослаштиради.*

**2026 йил 1 январга қадар:**

*ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун республиканинг барча ҳудудларини қамраб олувчи тўсиқларсиз муҳит яратилган объектларни аниқлаш имконини берувчи “Интерактив харита” ахборот тизимини ишга туширилади.*

САЛОМАТЛИК КАРВОНИ







# Инсон — ҳаёт гавҳари

**Ижтимоий кўмакка муҳтож юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё, Музработ ва Бойсун туманлари аҳолиси учун “Саломатлик” мобиль карвони ташкил этилди.**

Мазкур карвоннинг илк манзили Музработ туманидаги “Нурли ҳаёт” маҳалласи бўлди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари, “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ва UNICEF ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва болалар, ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиб, уларга бепул тиббий маслаҳат ҳамда даволаниши учун йўлланмалар берди. 37 хилдаги дори-дармонлар тарқатилди.

“Саломатлик” мобиль карвонининг маҳаллага ташрифи кўплаб маҳалла аҳлининг узоғини яқин, оғирини енгил бўлишига хизмат қилди. Малакали тиббий кўрикдан ўтиш истаги бору, бироқ имконияти бўлмаётган юртдошларимиз учун анча манфаатли бўлди.

Иззат Менгалиева — Бойсун туманида истиқомат қилади. 1-гуруҳ ногирони. Кўп йиллардан бери бир қатор касалликлар билан оғриб келган юртдошимиз, “Мени ҳам ҳолимдан хабар олиб, саломатлигим ҳақида қайғураётган инсонлардан миннатдорман”, дейди.

“Саломатлик” мобиль карвонининг кейинги манзили — Бойсун туманидаги “Косиблар” маҳалласи бўлди. Шифокорлар ва масъуллар маълум сабаб туфайли сайёр тиббий кўрикка кела олмаган аҳоли хонадонларига бориб, керакли тиббий хизматларни кўрсатишди.

Шу билан бирга, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази 100 нафардан ортиқ мурожаатчига бепул психологик ва юридик хизмат кўрсатди. Тажрибали психологлар стрессларни бартараф этишга қаратилган тренинг машғулотлари олиб бориб, эмоционал-ҳиссий зўриқишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлади. Унинг даражасини пасайтириш, тушкунликни бартараф этишга қаратилган суҳбат ўтказилди. Маҳалладаги болалар боғчасида таълим олаётган болалар учун ўқув қуроллари ҳамда аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Юрак қон-томир, ички ҳамда эндокрин касалликларига чалинган фуқаролар дори-дармонлар билан таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш керак, юртимизда инсон – ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўжиза сифатида улуғланади. У қачон муносиб шароитда таълим тарбия олиб, саломатлигини тиклаб, фаровон ҳаёт кечирса, жамият ва давлат уйғунликда барқарор ривожланади.

**Азиз МАШРАБОВ,
журналист.**




**Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси «МИРАБРОР УСМОНОВ КУБОГИ» хотира турнирида ғолиб бўлди.**




**3 август куни америкалик мутлақ жаҳон чемпиони Теренс Кроуфорд ҳамда WBA камари соҳиби ИСРОИЛ МАДРИМОВ ўртасида чемпионлик жангги ўтказилади.**



**Римда миллий спорт туримиз — кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро турнир ўтказилди.**



# “Нурафшон”
## — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ЭКОМАҲАЛЛА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Арофатхон МАХСУДОВА,**
**Фарғона шаҳридаги “Нурафшон” маҳалласи раиси.**

“Янги Ўзбекистон” массивида 365 та кўп қаватли уй босқичма-босқич бунёд этилади. Уйлар 7, 9, 12, 16 ва 25 қаватли бўлиб, бу вилоят шаҳарсозлигида ўзига хос янгилик саналади. Ҳозирги кунда илк уйлар ва боғлар обод аҳоли манзилига айланиб улгурди. 2 887 хонадонли 75 та уй фойдаланишга топширилди. Уларнинг негизида “Нурафшон” маҳалласи ташкил этилди. 500 дан ортиқ оила кўчиб келди.

Бундан уч-тўрт йил аввал “Шу ерларда замонавий шаҳар бунёд бўлади”, деган гапга кўпчилик ишонмаган. Ўтган қисқа даврда бу ҳаётий ҳақиқатга айланди. Айтиш керакки, экошаҳар лойиҳаси мамлакатимизда ўхшаши йўқ ноёб ва мукаммал ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Шаҳарча лойиҳасини ишлаб чиқишда экологик тоза, “яшил” иқтисодиётга асосланган инновацион ғоялар ва технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Бу ердаги ҳар бир уй-энергия тежамкор. Янги даҳа об-ҳавосини мўътадиллаштириш, доимий оби-ҳаёт билан таъминлаш мақсадида узунлиги 11 километр бўлган канал қурилди.

Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, бу ерда юзлаб болалар майдончалари ва ўйингоҳлар, 10 та боғча ва 6 та мактаб қурилади. 50 гектар майдонда кичик саноат зонасининг ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.



**2 887 хонадонли 75 та уй фойдаланишга топширилди. Уларнинг негизида “Нурафшон” маҳалласи ташкил этилди. 500 дан ортиқ оила кўчиб келди.** Фото: М.Қодиров, ЎзА.

Айни жараёнда учта мактабгача таълим ташкилоти, иккита мактаб, марказий поликлиника очилди. Қолаверса, 70 гектар ерда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилган бўлса, 4 минг ўринли амфитеатр ва унга уйғунлик касб этган сунъий кўлда мусиқали фавворалар ўрнатилди. Кўп қаватли уйлар ҳовлисида болалар ва спорт майдончаси мавжуд. Ҳар бир уйнинг олдида ногиронлиги бор шахслар учун махсус пандуслар ўрнатиляпти.

Шу кунларда барча қулайликлар муҳайё қилинган замонавий уйларга кўплаб оилалар кўчиб ўтмоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз, ҳар бири бу ерда яшаб, ишлашнинг завқи, гашти ўзгача эканини, насиб этса, шу ерда тўйлар қилишини айтади.

Бу жараёнда ўзига хос “Фарғонача тажриба”га қўл урилди. Гап шундаки, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан янги уйларнинг ертўла қисмида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 20 дан ортиқ замонавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу манзиллар уй-жойга муҳтож аҳоли вакилларига бепул бериляпти.

Умуман олганда, бугун Фарғонада, “Нурафшон” маҳалласида ўзгаришлар катта. Бу жараёнда ҳамжиҳатликни таъминлаш, одамларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш, уларни шукроналик билан яшашга ундаш, шунга муносиб бўлишга чорлаш — “маҳалла еттилиги” зиммасидаги муҳим вазифадир. Шуни инобатга олиб, маҳаллада ишларни тўғри ва тартибли йўлга қўйиб олдик, ҳар бир ходим масъулиятни тўла англаган ҳолда иш юритяпти.

МАҲАЛЛАМИЗ МАШҲУРЛАРИ

# БЕҲЗОД МУҲАММАДКАРИМОВ: «ШУ КАСБНИ ТАНЛАШИМГА МАҲАЛЛАМ ТУРТКИ БЎЛГАН»



***Ҳар бир инсоннинг ўз ҳақиқатлари, қарашлари ва хулосалари бўлади. Уларни тинглаш, моҳиятини англаб етиш орқали баъзи саволларимизга жавоб топамиз. Ўзимиз учун янги олам эшикларини очамиз. Шу маънода Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов билан бўлган суҳбатимиз ҳам барчамиз учун манфаатли бўлиши аниқ.***

**— Охирги вақтда сизни фильм ва сериалларда ота образида кўп кўряпмиз. Шу маънода отанинг оиладаги ўрни ҳақидаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик?**

— Ўзбек оилаларида отанинг тутган ўрни беқиёс. Битта нигоҳининг ўзи билан болалар нима демоқчи эканини тушунишган. Ҳеч қачон сўзи икки қилинмаган. Дуоси олтинлардан афзал кўрилган. Бир сўз билан айтганда, хонадоннинг устуни, ҳукмдори — ота!

“Бадавлат гадойлар”, “Ўгай она”, “Қодирхон” ҳамда “Ҳожар” каби сериаллардаги ота қиёфасида шу жиҳатларга урғу беришга ҳаракат қилганман. Фарзандларга ҳар жиҳатдан таянч-тиргак бўлган, уларни тўғри йўлга бошлаган ижобий қаҳрамон тимсолини гавдалантирганман.

**— Бугун кенг оммага тақдим этилаётган фильм ва сериалларнинг бош мақсади ва ғояси ҳақида қандайдир тушуниксиз ва турли мунозараларга сабаб бўлмоқда? Бунинг сабаблари ҳақида нима дея оласиз?**

— Ижод оламини бозорга ўхшатаман. Томошабин ўзига керагини танлаб олаверади. Жиддий, чуқур ғоя ва мазмунга эга фильмлар ишланяпти. Тарихий картиналар суратга олиняпти. Аввалгига қараганда, ўзгариш ва силжишлар бор. Шу билан бирга, хусусий киностудиялар талаб ва хоҳишдан келиб чиқиб, енгилроқ услубда ижод қиляпти.

Кино ва театрнинг инсон психологиясига таъсири жуда катта. Шундай экан, имкон қадар бу масалага жиддий ёндашув талаб этилади. Баъзи сериаллардаги саҳналар, ёндашув жуда саёз. Юзаки қарашлар, сохта ижро кишини ғашига тегади. Аслида, бунинг туб илдизи мукаммал сценарийларнинг йўқлигига бориб тақалади. Драматургияни ривожлантириш орқали бундай муаммоларга ечим топиш мумкин, деб ҳисоблайман.

**— Айни вақтда қайси фильм ва сериаллар билан бандсиз? Томошабинларга қандай туҳфаларингиз бор?**

— “Қодирхон” сериалининг суратга олиш жараёнлари давом этмоқда. Бундан ташқари, “Ҳожар” сериалида роль ўйнаяпман. Яқинда “Баҳодир Ялангтўш” тарихий картинасининг премьераси бўлиб ўтди. Спортчиларимизга бағишланган “Енгилмас” бадиий фильми устида қизғин иш жараёнлари давом этмоқда. Мақсадимиз — мухлислар учун сифатли, мазмунли ижод намуналари етказиб бериш.

**— Ҳар биримиз маҳаллада туғилиб, улғайганмиз. Кексалар ўгитлари, тенгдошлар билан кечган қувноқ болалик онлари хотирамизда чуқур из қолдирган. Сиз ўша дамларни қандай ёдга оласиз?**

— Маҳаллани мажозий маънода бешикка ўхшатаман. Инсон туғилибдики, унинг бағрида, иссиқ меҳр тафтини туйиб камолга етади. Яхши инсонлардан ибрат олади. Атрофидагиларнинг қилган хатосидан хулоса чиқаради. Қўни-қўшни билан оқибат ришталари боғланади. Ўзаро меҳр-мурувват кўрсатиш фазилатлари шаклланади. Айниқса, бизнинг болалик даврларимизда маҳалладошлар бир-бирига яқин қариндошдек эди. “Бу сеники, бу меники”, деган нарса бўлмасди. Ҳаммаси ўртада баҳам кўриларди. Баъзи қўшниларнинг ўртасида девор йўқ эди. Шунинг учунми, маҳаллаларда битта йўналишга ихтисослашув юзага келган. Туникачилар, бешикчилар, кулоллар маҳаллалари бўларди. Одамлар бир-бирига иш ўргатгани сабаб ҳунари кенг ёйилган.

Болалигим ўтган Шайхонтоҳур туманининг “Тахтапул” маҳалласидан устоз санъаткорларимиз Саидкомил Умаров, Матёқуб Матжонов каби ижодкорлар етишиб чиққан. Бундан ташқари, операторлар бўларди. Уларга ҳавас қилиб, биз ҳам шу йўлга кирдик. Ёшлигимизданоқ қўшни маҳалла болалари билан тўйларга борардик. Ғижжак, доира каби асбоблар чалиб, малакамизни оширардик. Айтмоқчи бўлганим, маҳалла ўз йўлимизни танлашимизда катта туртки берадиган маскан.

**— Ҳозир истиқомат қиладиган маҳаллангиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокингиз қандай?**

— Шайхонтоҳур туманининг “Шайхонтоҳур” маҳалласида яшайман. Ўзим таҳсил олган 115-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этиладиган турли тадбир, маънавий-маърифий учрашувларда қатнашиб тураман. Ўқувчилар билан суҳбатлашиб, болалик дамларимга қайтгандек бўламан.

Бугунги маҳалла ҳаёти олдингидан тубдан фарқ қилади. Энди уни кичик ҳокимият деб атасак, адашмаймиз. Ҳар бир йўналишда мутахассисларнинг жалб қилингани, “маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилгани аҳоли муаммолари билан тизимли ишлаш имконини беряпти. Аввалгидек оворагарчиликлар йўқ. Кимнинг нима мурожаати бўлса, идоранинг ўзида ечим топиляпти. Буни кўриб фақат хурсанд бўлади киши.

**— Суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА**
**суҳбатлашди.**

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

# *Аёлларни ишли қилганлар ижара ҳақи тўламайди*

**“Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан айрим тоифадаги тадбиркорлик субъектлари ва хотин-қизларга қатор қулайликлар яратилган.**

Қарорга кўра, ходимлари умумий сонининг камида **70 фоизи “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар** бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлар давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан **2027 йил 1 октябргача озод этилган.**

“Аёллар дафтари”даги **камида 5 та ишсиз хотин-қизларни** касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлар давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда улардан ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари бинолари **хотин-қизлар фаолининг тавсиясига асосан,** давлат мулкини ижарага бериш тартибига мувофиқ, тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга** ижарага берилади.

Марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда **3 миллион сўмдан ошмаган** миқдорда давлат гранти ажратилади. *Грант маблағи марказларда ташкил этиладиган тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик ва турли ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилади.*

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
6 390 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.